

# Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 27-iyul, Payshanba

№ 31 (9247)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti\_gazetasi

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

## БАНК КЎМАГИДА ТАДБИРКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Ўзсаноатқурилишбанк томонидан журналистларни ҳудудларда ишга туширилган лойиҳалар билан таништириш тадбирлари фаол давом этмоқда. Яқинда ҳам Фарғона шаҳридаги "Fergana uniform tex" ва "Besh bola beton" корхоналарига пресс-тур уюштирилди.

Ўзсаноатқурилишбанкнинг Фарғона вилоятидаги Банк хизматлари офиси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида олиб борилган ишлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида 60 га яқин лойиҳа ишга туширилди. Уларга жами 95 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бунинг ҳисобига 1400дан зиёд иш ўрни яратилди.

"Fergana uniform tex" масъулия-

ти чекланган жамиятининг "Махсус устки кийимлар ишлаб чиқариш" лойиҳаси шулар сирасига қиради. – Замонавий талаблар ва иқлим хусусиятларига жавоб берадиган формали кийим-бошлар ва фарқловчи белгиларга талаб доим юқори, – дейди корхона раҳбари Иштиёр Қамбаров. – Корхонамиз томонидан йилига 1 млн. 700 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқарилиб, улар тўлиқ экспортга йўналтирилган.

Ўзсаноатқурилишбанк томонидан бизга доим молиявий кўмак бериб келинмоқда. Ўтган йили банкдан айланма маблағларни тўлдирishга сармоя олган бўлсак, жорий йил бошида муассаса кредитлари ҳисобига технологик ускуналарни модернизация қилишга эришдик. Пресс-тур давомида ОАВ вакиллари корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнлари, 250 га яқин ишчи-ҳодимлар учун яратилган шартношларни кўздан кечирди. Махсус кийимларга хос махсус хусусиятлар ҳақида маълумотга эга бўлди.

Маълумки, Ўзсаноатқурилишбанк томонидан сўнгги йилларда мамлакатимизда қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга масъул муассаса сифатида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Хомашё борасида ҳудудлар саноатини урганиши, ихтисослаштирилган туман ва шаҳарларда саноат инфратузилмасини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришда хорж тажрибаси ва технологияларини ўзлаштириш, шунингдек, тармоққа доир лойиҳаларни молиялаштириш имкониятини ошириш шулар



жумласидандир. Бунинг самарасида йилдан-йилга қурилиш материаллари ишлаб чиқариш сифати ва ҳажми ошмоқда, импортбоп маҳсулотларни маҳаллийлаштиришга эришилмоқда.

Айтиш жоизки, Фарғона шаҳридаги "Besh bola beton" масъулия-ти чекланган жамияти ҳам ҳудуд имкониятларидан келиб чиқиб ташкил этилган. Бугунги кунда бетондан плитка ва газоблок маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Пресс-тур дастурига кўра, ОАВ

вакиллари ушбу корхонага ҳам ташриф буюрди. Қайд этилишича, корхона ўтган йил март ойида иш бошлаган. Бунинг учун банк томонидан 1,5 млн. доллар хоржий кредит линия жалб қилиниб, мазкур маблағга хориждан илгор технологиялар келтириб, ўрнатилган. Бугунги кунда корхонада 60 та иш ўрни яратилган. Йилига 20 минг метр куб маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзсаноатқурилишбанк ахборот хизмати



## МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ БИТИМЛАРИГА УЙҒУНЛАШТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистонда халқаро тижорат учун қулай ҳуқуқий тизим яратиш, хусусан, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) га аъзо бўлишни таъминлаш мақсадида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини тезлаштириш ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 2 июнда "Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Шу асосда Адлия вазирлигида Миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш бошқармаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларда ЖСТ масалалари бўйича таркибий бўлинмалар жорий этилди.

Адлия вазирлигида ташкил этилган мазкур бошқармага миллий қонунчиликни ЖСТ битимларига уйғунлаштириш ҳамда вазирлик ва идоралар томонидан ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларни мониторинг ва таҳлил қилиб бориш вазифаси юклатилди.

Таъкидлаш лозимки, миллий қонунчиликни ЖСТ битимлари ва қондаларига уйғунлаштириш ЖСТга

аъзолик масалаларини жадаллаштиришнинг асосий элементи ҳисобланади.

Шунга мувофиқ, Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссия йиғилиши томонидан Қонунчиликни мослаштириш бўйича янгиланган иш режаси (Updated LAP) тасдиқланди ва 46 чора-тадбирни ўз ичига олган ушбу ҳужжат ЖСТ Котибиятига белгиланган тартибда тақдим этилди.

Мазкур режа ва Президент қарори ижросини таъминлаш ҳамда истиқболдаги вазифаларни муҳофиза қилиш мақсадида Адлия вазирлигида масъул давлат органлари иштирокида йиғилиш ташкил этилди.

Тадбирда Қонунчиликни ЖСТ битимларига мослаштириш борасида янгиланган иш режасининг ҳар бир бандига оид вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилган ишлар батафсил таҳлил қилинди ва уларни амалга ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

## ҚУЁШЛИҚ ИСТАСАНГ, КАСБИ КАМОЛ ЭТ!

"Юқори Тошкент" каналида 42 йилдан бери ишлаб келаман. Тўғри, маошим унчалик кўп эмас. Лекин, рўзгоримда барака бор. Шу ерда ишлаб бир қиз, тўрт ўғил ўстирдим, ҳаммасини уйли-жойли қилдим. Меҳнатим билан элда обрў-иззат топдим".  
Уринбой ака ўзи, оиласи, иши, босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилаяпти. Мен эса уларни қоғозга тушираман.  
Орада савол бериб қўяман.  
Ёзининг чилласи, қуёш пешиндан оғаётган палла.  
Иккаламиз "Юқори Тошкент" каналининг бош қисмидаги гидроиншоот соясида ўтирибмиз. Шеригим Олимжон офтобни писанд этмай яқин-узқни суратга олиш билан банд.  
(Давоми 2-саҳифада)



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

## "ИЖТИМОЙ ИССИҚХОНАЛАР"НИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАЛАРДА КЎРИНАДИ?

Демографик ўсиш жараёнида бугун бўй кўрсатаётган унумдор ер тақчиллиги, сув етишмовчилиги муаммоси келажак авлод олдига янада улкан масалаларни кўндаланг қўйиши шубҳасиз.

Аҳоли сонининг ортиши органик озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигини келтириб чиқарса, иккинчи томондан ишсизлар қатламини ҳам вужудга келтириши табиий. Бу жараёнга илмий ёндашув масаланинг ижобий ечим топишига хизмат қилади. Шу сабабдан бугун Сирдарё вилоятида аҳолини тадбир-

корликка кенг жалб қилган ҳолда органик маҳсулотлар етиштириш бўйича жамиятга татбиқ этилаётган "Ижтимоий иссиқхоналар" юқоридаги муаммоларни бартараф этиб, аҳоли турмуш тарзининг фаровонлашувиغا хизмат қилади, десак хато эмас.

(Давоми 2-саҳифада)



БУХОРО ВИЛОЯТИ

## ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида 600 кВт қувватга эга қуёш электр станцияси ўрнатилиб, ишга туширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2023 йил 27 февралдаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилишида "Ўзбекнефтьгаз" АЖ тизимида иқтисодий ва ижтимоий тармоқларнинг энергия

гоҳга ўрнатилган қуёш батареялари 0,4/6 кВт кучлинишли кучайтирувчи трансформатор орқали ишлаб чиқарилган электр энергиясини умумий энергия тизимига узатади. Қуёш панеллари ойига тахминан 200 000 кВт электр энергияси ишлаб чиқаради. Йил охиригача Бухоро НҚИЗда камида



самардорлигини ошириш бўйича берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

Ўзининг қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ) ҳисобидан электр энергияси етказиб беришни ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар доирасида Бухоро НҚИЗнинг ишлаб чиқариш қувватларида қуёш батареяларини ўрнатиш ва ишга тушириш борасидаги ишлар қизғин давом этмоқда. Хусусан, 2022 йилда Бухоро НҚИЗ объектларига 170 та қуёш панели ўрнатилди ва ишга туширилди.

Ишлаб чиқарилган қуёш энергияси ҳисобига корхона маъмурий биноларининг бир қисми электр энергияси билан таъминланади.

Таъкидлаш жоизки, қуввати 600 кВт/соат бўлган янги автотурар-

600 дона қуёш батареяси ўрнатиш режалаштирилган. Бу эса деярли 3 000 кВт/соат қўшимча электр энергиясидир.

Бундан ташқари, завод биноларини иссиқ сув билан таъминлаш учун қуёш сув иситкичлари параллел равишда ўрнатилмоқда.

Бухоро НҚИЗда энергия тежовчи технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг жорий этилиши нафақат салмоқли экологик, балки иқтисодий самара ҳам беради.

Ўз навбатида, заводда энергия сарфини камайтириш, хом ашёдан фойдаланишни оптималлаштириш ва юқори сифатли нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берувчи дастур ҳам ишлаб чиқилди.

Зариф КОМИЛОВ, ЎЗА мухбири.





Муаррихлар ишонч билан қайд этишадик, кўпқарида куч ва қудрат рамзи ҳисобланган кўкбўри тимсоли мавжуд

Дунё халқларининг жаҳон тамаддунига доҳил қадим анъаналари бор. Улар тийнатида кўхна ўтмиш хотиралари, илк цивилизацияга доир удумлар мужассам. Шундай қадим анъаналардан бири умумтуркийга мерос "кўпқари" ўйинидир.

Қадимги ўзбеклар кашфиёти саналмиш кўпқарининг ёши ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Унинг сийратида кўпмингиллик архаик удумлар мужассамлигини биласизми? Инсоният эндигина вақт ҳисобини олиб, табиатда қандайдир илоҳий қудрат мавжудлигини ҳис эга бошлаган паллада табиат ҳодисалари билан боғлиқ урф-одатларни кашф эта бошладилар. Шулардан бири ўзбек халқ ўйини - кўпқаридир! У дастлаб от билан боғлиқ илоҳий силсилалар негизда шаклланди. Кейинчалик ҳарбий-ижтимоий жараёнларда сайқалланиб борди. Асрлар мобайнида маълум бир тизгинга солиниб, урушларда ғолиблик мурватига айланди. Чунки унда табиатнинг илоҳий қудратини ҳис этган чавандоз ва ғалаба рамзи саналмиш арғумоқнинг бирлиги мужассам эди.



Кўпқари

Отнинг кўлга ўргатилиши илк бор қадимги ўзбеклар ҳаётида мезолит даврида содир бўлди. Мис-тош ва темир даврларида дастлабки давлатчилик анъаналари билан бирга сайқалланди. Милонинг иккинчи минг йиллигига қадар етиб келган кўпқари ва унинг сийрати шундан далолат беради. Қадимчилар ва кўпқари усталари жамлаган талқинга кўра, у икки ном билан, яъни кўпқари ва улоқ атамалари билан юритилади. Кўпқари атамасини туркий халқлар тотеми "кўкбўри" билан боғлашади. Муаррихлар ишонч билан қайд этишадик, кўпқарида куч ва қудрат рамзи ҳисобланган кўкбўри тимсоли мавжуд. Унда нега улоқ бўрининг жуфтига айланган? Қадимги туркий генелогик тақвимга кўра, йил икки фаслдан иборат. Яъни қиш ва кўклам. Қиш - табиатнинг тин олиши, уйқуга кетиш палласи. Кўклам - уйғониши, янгиланиш палласи. Ана шу икки фасл ҳаракатида ҳаёт давом этади. Эчки боласи, яъни улоқ туркий генелогик тақвимда кўклам рамзи. У мудом бўри билан ўрин алмашиб туради. Улоқ тин олганда бўри, бўри уйқуга кетганда эчки бўй кўрсатади. Ана шу кўхна ва бетакрор жараён кўпқарининг тийна-тига жам бўлган. Аввал такани тақимига босиб, бўри рамзини ифода этган чавандозлар тўдаси маррага келади. Кейин эчки тимсолидаги полвонлар марра қилади. Ҳар икки гуруҳ шу тарзда ўрин алмашиб боради. Бу кўпқарининг архаик шакли, дастлабки манзараси. Кейинчалик сайқалланиб, турли тартиб-қоидалар, қатъий мезонлар юзага келди. Аввалги икки гуруҳни яққалик тартиби эгаллади. Энди ҳар бир чавандоз ҳам эчки, ҳам бўри тимсолида намоён бўла бошлади. Натияжада, кўпқарининг сомони, сомонсиз, чортоқ, шоҳулоқ, бирсомон, иккисомон, гаштак каби турлари пайдо бўлди.

ди. Баковул такани олиб кетаётганда чавандозлар унга ёпишмайди. Така ерга тушган сомонга тақимлаб келган чавандоз солимини ҳалол ютган бўлади. Дарвоқе, солим дегани бу кўпқари-га тикилган соврин. Битта кўпқарида ўртача йигирма беш-ўттизта соврин кўйилади. Энг йирик қимматбаҳо совринлар улоқнинг охириги марраларига тикилади. Икки сомонли кўпқарида майдоннинг икки томонига сомон доира қилинади. Биринчи сомон - юқори марра дейилади. Баковуллар юқори маррага жойлашади. Пастки маррада бир ёки икки нафар отлиқ баковул бўлиб, улар таканинг сомон ичига тушган-тушмаганини назорат қилади. Агар бирор чавандоз такани сомон ичига тушира олмаса, ўша солимини қайта чопишга қатъий буйруқ беради.

Шоҳулоқ Қадимда куёвнавкарлар учун қиз отаси томондан ташкил этилган кўпқари "шоҳулоқ" дейилган. Шоҳулоқда куёв билан бирга борган буйдоқ куёв-жўралар иштирок этишган. Уйланган йигитларга шоҳулоқ чопиш қатъиян ман этилган. Агар қиз томон майдонда уйланган куёвжўра от чапаётганлигини билса, уни сазойи қилишган. Айтишларича, улоқнинг бу тури куёв томоннинг бўз йигитларини синаш учун ташкил этилган. Майдонга битта така ташланган. Солимлари ҳам унча йирик бўлмаган. Ўтган асрнинг йигирманинчи йилларига қадар Самарқанд ва Жиззах ҳудудларида чопилган.

Шоҳулоқ

Баковул - кўпқари ҳақами. Улоқнинг катта-кичиклигига қараб икки нафардан беш-ўн нафаргача баковул тайинланади. Улар турли баҳс ва низоларга барҳам беришади. Икки сомонли кўпқарида юқори ва пастки марра орасида тўда билан бирга ҳаракатланадиган девонбегилар ҳам тайинланади. Улар чавандозларнинг жаҳл устида бир-бирига от солиши, жиловини қайириши ёки қамчилашининг олдини олади. Ёки уларни муро-сага келтиради. Йирик кўпқариларда беш-олти нафаргача девонбегии тайинланади. Сомонли кўпқари бугунги кунда Қашқадарё ва Сурхондарёдан бошқа барча ҳудудларда чопилади.

Гаштак кўпқари Улоқнинг бу тури аслини олганда йиғма кўпқари дегани. Кўпқари усталарининг айтишича, гаштак кўпқари асосан Наврўз байрами арафасида ташкил этилган. Элнинг ёшу-қариси, бой-камбағали гаштак кўпқарининг солимига деб баковулларга атаганини беришган. Баковуллар солимлари тартибга келтириб, бирор кунни белгилаб кўпқарини ўтказишган. Айтишларича, қадимги ўзбекларда от устида кураш, қизқувар, пойга каби от билан боғлиқ ўйинлар айнан гаштак кўпқари бошланишида ўтказилган. Кўпқари-га йиғилган солимлардан уларга ҳам соврин берилган. Ҳозирги кунда ҳам Наврўз байрами атрофида гаштак кўпқарилар ташкил қилинади. Бироқ қизқувар, пойга, от устида кураш каби миллий ўйинлар унутилган.

Сомонсиз кўпқари

Сомонсиз кўпқарида белгиланган бир жойга баковуллар жойлашади. Майдоннинг исталган нуқтасига така ташланади. Чавандоз такани тақимлаб тўдадан чиқса, совринни ҳалол ютган бўлади. Майдонда бир ёки икки нафар отлиқ баковул бўлиб, улар чавандознинг такани тақимига олиб, тўдадан чиқишини кузатиб туради. Чавандоз баковуллар жойлашган жойдан солимини олади.

Анвар СУЮН, ёзувчи.

Чортоқ кўпқари

Чортоқ кўпқари Кўпқарининг бу тури ҳозир чопилмайди. Улоқ усталари берган маълумотларга кўра, ўтган асрнинг қирқинчи

Сомонли кўпқари

Кўпқарининг бу тури иккига бўлинади: бирсомон ва иккисомон. Бирсомонли кўпқарида майдоннинг бошида айланаси ўн беш-йигирма метрли сомон доира ясалади. Ҳакамлар сомон доиранинг атрофида жойлашади. Чопиладиган така аввал сомонга ташланади. Уни баковуллардан бири белгиланган отда майдоннинг нариги бошига ёки узоқдаги исталган жойга ташлаб кела-

Олма қоқи организмни тозалайди

Олма қоқиси глюкозага ниҳоятда бойдир. У ўзида фойдалилик хусусиятларини сақлаб қолиб, микроэлементларга тўйинган бўлади.

Таркибдаги пектин моддаси организмни токсинлардан тозалайди. Агар қабзиятдан азият чекаётган бўлсангиз, олма қоқисидан яхши-сини тополмайсиз. Уни гўштқий-малагичдан ўтказиб, қайнатинг ва таъбга кўра шаккар солиб, дамланг.

Тайёр дамламага асал қўшиб ичилса, қабзиятдан халос этади. Бундан ташқари, ушбу дамлама ошқозон фаолиятини ҳам яхшилайдди. Қандли диабет билан хасталанган ва ортиқча вазнли кишиларга олма қоқиси тавсия этилмайди.



Advertisement for 'O'zbekiston ovozi' newspaper, 105th anniversary. Includes text about the newspaper's history and a quote from Gulriyano YونسOVA.

Advertisement for tea, titled 'Tўғри овқатланиш қоидалари билан танишинг!'. Includes text about tea benefits and a quote about tea quality.

Large advertisement for 'AMMIKLI SELITRA' fertilizer. Includes product images, chemical composition (MgO, Ca, N), and contact information for Maxam-Chirchiq.

Qishloq hayoti

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмаси комплекси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Тажриб ҳайъати: Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ, Мухаммаджон ТОШБОЛАЕВ, Актам ХАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан руйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ - 144. Бюджетта Г-740, 1400 нусхада чоп этилди.

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона - (0-371) 236-26-50, 233-09-93, 95-080-43-70, 99-050-69-45. Реклама ва эълонлар - (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоəsi келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021. Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 18.00.